

«ТАШАБУС»
ЮТУҚЛАРГА
РУҲЛАНТИРАДИ



2-бет

ЯНГИ МАРКАЗ ИШ
БОШЛАДИ

3-бет

«ПАХТАКОР»
МУХЛИСЛАРИНИ
ХУШНУД ЭТДИ



7-бет

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ
КЎРИЛМОҚДА

8-бет

ПАЙШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 39 (10.092)

2004 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ
Бир Кунни
Янгиликлар, воқеалар

Кисра

● **БУГУН** Сергели туман хокимлигида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар кенгаши ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан тумандаги ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар учун хайрия тadbири ташкил этилди.

● **КЕЧА** Собир Рахимов туманидаги Курилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида «Ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги педагог ва муҳандис-педагогларнинг маҳоратини ошириш курсларида назарий, амалий, касбий таълим бериш жараёнининг самарадорлигини ошириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Сергели туман хокимлигида бўлиб ўтган нотиклик санъати бўйича кўрик-танлов «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **КЕЧА** Халқаро Вестминстер университетида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик хамкорлигида уюштирилган семинар «Гибсиз ҳаёт» деб номланди.

● **БУГУН** Тошкент Халқаро бизнес марказида болалар ва катталарда вирусли ва бактериал инфекцияларни даволашга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўз ишини бошлади.

● **БУГУН** Яққасарой туман маданият бўлими ташаббуси билан «Хуршид» маданият саройида туман маҳаллалари «Балли, қизлар» кўрик-танлови ўтказилди.

● **ВОЯГА** етмаганлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада омдалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида БУГУН Бектемир туманидаги 293-мактабда қизлар ўртасида шахмат-шашка мусобақалари уюштирилди.

Тошкент шаҳар хокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг «Меҳр ва муруват йили» дастури ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Жорий йил Юртбошимиз томонидан Меҳр ва муруват йили деб эълон қилинган маънавий-маърифий ишларни янада кенгайтириш учун муҳим омил бўлгани таъкидланди. Миллий гуруҳ, миллий ифтихор ва халқимизга хос меҳр-муруват туйғуларини аҳоли, айниқса, ёшлар қалбига чуқур сингдиришни янгила, таъсирчан усуллари кенгрок жорий этиш зарур. Бу борада амалий ишларга алоҳида эътибор қаратиш, жумладан, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари,

уруш ва меҳнат фахрийлари ҳузурда бўлиш, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож фуқаролар ҳридан доимо хабардор бўлиб бориш айниқса муҳимдир. Зеро, мамлакатимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги лозим.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Олий Махлис Матбуот ва ахборот кўмитаси раиси ўринбосари, адабиётшунос И.Фафуров ва бошқалар Меҳр ва муруват йили муносабати би-

Ташаббус — 2004

ЯНГИ ЮТУҚЛАРГА УНДАЙДИ

Ҳар бир эзгу ишнинг қаноти бор, десак муболага бўлмайди. Шу жумладан, ташаббуснинг ҳам. Бунга мисол қилиб мамлакатимизда анъанавий тарзда йил якунларига кўра Республика Президентини соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловини келтириш мумкин. Сабаби, ташаббус кенг қулоқ ёймоқда, қанотида эса кўплаб «Энг яхши тadbиркор» ва «Энг яхши хунарманд»лар довруғини оламга таратмоқда.



Кунни кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида ҳам шаҳримиз туманларининг голиб тadbиркор ва хунармандлари танловнинг Тошкент шаҳар ҳокими соврини учун пойтахт босқичи беллашувини ўтказишди. Албатта, туман босқи-

чи голиблари танловда карнай-сурнай садолари остида кутиб олинганлиги тadbир иштирокчиларига нафақат бир олам завқ, балки кўтаринки кайфият ҳам бахш этди.

Давоми 2-бетда.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ЗАМОН

Тошкент ахборот технологиялари университетиди Олий ва ўрта махсус таълим вазириликнинг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги олий ўқув юртлири ректорлари, илмий ишлар бўйича проректорлари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фулмов бошқарган мазкур йиғилишда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи-сифат босқичи якунлари арасида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид масала муҳокама этилди. Бугунги кунда республикамиздаги олий ўқув юртлири ва Фанлар академияси институтлари интернет трафикасидан 60 фоизлик имтиёз асосида фойдаланмоқда. Мактаблар, медицина соҳасига оид ташкилотларга эса бу борада юз

фоиз имтиёз берилган.

Ўтган йиллар мобайнида ахборот технологияларини иктисодиёт ва жамият ҳаётининг барқоча жабҳаларида кенг қўллаш ва халқаро ахборот жамиятига кириш учун пухта замин яратилди. Ривожланган давлатлардаги олий таълим муассасалари билан хамкорликда дастурлашга оид маҳсулотлар яратишга алоҳида аҳамият берилляпти.

Мазкур соҳадан келадиган фойда бошқа йўналишларга нисбатан анча юқорилиги билан ажралиб туради.

Йиғилишда ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этишда яратилган имтиёзлардан самарали фойдаланиш, олий таълим муассасаларини компьютерлаштиришни такомиллаштириш, информатика ва ахборот технологиялари йўналишида педагог кадрларни тайёрлашга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилиди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов сўзга чиқди.

лан белгиланган тadbирларда миллий кадрларимизни асраб-авайлаш, ёшларни четдан кириб келаятган зарарли оқимлар таъсиридан асраш, азалий кадрларимиз руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Сирдарё ва Жиззах вилоятлари Маънавият ва маърифат кенгашларининг бу борада олиб бораётган ишлари таҳлил этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев сўзга чиқди.

Бехзод НОРБОВ,
ЎзА мухбири

XXI саҳоси
Барча мамлакатлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Корақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгашида ўтказилган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида фикр юритилди.

● Германиянинг «ERMAFA Kunststofftechnik Chemnitz GmbH & Co KG» компанияси президенти У.Хартман Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида тadbиркорлар, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда манфаатдор вилоят ташкилотлари вакиллари иштирокида музокаралар ўтказди.

● Бритиш Американ Табако компанияси бошқаруви аъзоси, Европа минтақаси бўйича бошқарувчи директори Бен Стивенс бошчилигидаги делегация мамлакатимизга келди.

● Навоий вилояти телерадиокомпанияси, LATP Интернет маркази ва «Ташаббус» ижтимоий хамкорлик маркази, «Камолот» ЕИҲ вилоят Кенгаши, Халқ таълими бошқармаси хамкорлигида «Мувозанат» журналистика клуби негизида ёш қаламкашлар мактаби ташкил этилди.

Жаҳонда

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўзининг БМТ Хавфсизлик кенгашига маърузасида агарда тегишли қонунчилик ишлари зудлик билан бошланадиган бўлса Ироқда сайловлар 2004 йил охири — 2005 йил бошларида ўтказишга мумкинлигини таъкидлади.

● Россия Федерацияси Президентини Владимир Путин мамлакат телевидениеси орқали чиқишида бош вазир бошчилигидаги ҳукуматнинг истеъфога чиқарилгани ҳақида маълум қилди. Президент бу қарори Россия Конституциясининг 117-моддасига асосланганлиги ва ўзининг ижтимоий-иқтисодий сўбасати билан боғлиқлигини билдирди.

● Пекинда Шимолий Кореянинг ядровий дастури борасида Хитой, Япония, Жанубий Корея, АКШ, Россия ва Шимолий Корея иштирокида олти томонлама музокараларнинг иккинчи босқичи бошланди.

● Мароқашнинг шимолий қисмида содир бўлган Рихтер шкаласи бўйича 6,5 баллик кучли zilзила оқибатида ҳалок бўлган сон 564 кишига етди. Ҳозир бу ерда хоржилик кутқарувчилар иштирокида вайоналар тағида қилмоқ кетганлари кутқариш ишлари амалга оширилмоқда.

● Колумбиянинг харбий қирувчи самолётлари Бразилиядан гиванд моддалар ва қурол келтириляётгани гумон қилинган икки моторли самолётни портлатиб юборишди.

Иқтисодий

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Шайхонтохур туманида фаолият юритаётган «Конут» масъулияти чекланган жамияти жамоаси замон талаблари асосида рақобатбардош маҳсулотлар — уй учун мебеллардан тортиб парда ҳамда бошқа кўплаб жиҳозлар ишлаб чиқармоқда.

Ўтган йили иш бошлаган корхона ишчи-хизматчилари туркиялик юқори малакали мутахассислар ёрдамида хорижий, юсак самарали технологияни ўзлаштириб, янги маҳсулотлар яратиш устида тинмай изланмоқдалар. Ҳозирги кунда корхона аҳли 32 миллион сўмлик маҳсулот — эксклюзив пардалар ва турли хилдаги жалюзиларни буюртмачиларга шартнома асосида тайёрламоқда.

Бундан ташқари корхонанинг тажрибали дизайнерлари кўмаги ва миқдорнинг хоҳиш-истагига биноан металл ҳамда пластинани кенг қўллаган ҳолда турли хилдаги мебел маҳсулотлари ошхона, заллар учун ностандарт термалар, пултли дарвозалар каби кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Тадбиркорлар яқин кунларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига корхонада янги иш жойлари яратиш ниятидалар.

ЯНА БИР МАҲСУЛОТ

Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида яратилган кенг имкониятлар туфайли ички бозоримизда сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

2000 йилда иш бошлаган «OLIANA RYM» масъулияти чекланган жамиятида ҳозирги кунга келиб 10 турдаги сифатли маҳсулотлар ҳар хил сифмлик, кулай идишларда чиқарилиб харидорларни мамнун қилмоқда. Эътиборли томони шундаки, барча маҳсулотлар маҳаллий хом ашёдан тайёрланади.

Мазкур корхонада бугунги кунда 11 нафар малакали ишчи-хизматчилар меҳнат қилиб, буюртмаларни ўз вақтида удаламоқда. Уларнинг асосий буюртмачилари пойтахтдаги қурилиш ташкилотлари, республика «Расом» бирлашмаси каби кўплаб ташкилотлар ҳисобланади.

Ўтган — 2003 йилда жамият аъзолари 25 миллион сўмлик маҳсулот сотишган бўлса, жорий йилда жамоа тадбиркорлари янги маҳсулот — эмаль бўёги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун тинмай изланмоқдалар. «Интилганга — толе ёр» деб ҳалқимиз беҳиз айтади. Эзгу ниятли жамият ишчи-хизматчилари маҳсулотлари сифатига асосий эътибор қаратмоқдалар ҳамда янги маҳсулотларини биринчи чоракда ишлаб чиқаришни режалаганлар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

2004 - Меҳр ва мурувват йили

ҲЕЧ КИМ ЎЗИНИ ЁЛГИЗ СЕЗМАЙДИ

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз Исмоил Каримов томонидан 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилингани бунинг яна бир яққол далилидир.

«Юртбошимиз Фармойиши билан тузилган «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида санаторийлар, шифохоналарда 32 минг нафар пенсионер, уруш ва меҳнат фахрийлари саломатлигини яхшилаши белгиланган. Ҳозир бу хайрли иш изчил амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғар-

маси марказий кенгаши томонидан ҳам муайян ишлар олиб борилаётир. Жамғарма томонидан фахрийларни, айниқса уруш қатнашчилари ва ногиронларини, яққа-ёлғиз кексаларни эъзозлаш, улар учун зарур моддий ва маънавий ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш янада кучайтирилмоқда. Шу мақсадда Жамғарма марказий кенгаши ҳисобидан Тошкент шах-

«Истеъдод» жамғармаси қошидаги масофали ўқитиш марказида Россия ахборот технологиялари интернет университети билан ҳамкорликда «Ахборот хавфсизлиги асослари» мавзусида малака ошириш курслари якунланиб, битирувчиларга сертификатлар топширилди.

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ КУРСЛАРИ

Ахборотни ҳимоя қилиш малакасига эга бўлиш ҳозирги пайтда жуда муҳимдир. Республикаимизда шу соҳада мутахассислар етишмайди. «Ўзбекистон Республикасида ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу борада ҳам ўз самараларини бермоқда.

«Истеъдод» жамғармаси қошидаги масофали ўқитиш маркази ушбу вазифани бажаришга киришди. Республикаимиздаги барча институтлар информатика ва ахборот технологиялари кафедраларининг мудирилари, шунингдек, шу соҳада илмий-тадқиқот олиб бораётган ёш олимлар ҳамда профессор ва ўқитувчилардан эзлик нафари Россиянинг ахборот технологиялари интернет университетида икки

ҳафта мобайнида малака оширишди. Курснинг мақсади тингловчиларни ахборотни ҳимоя қилиш соҳасига олиб кириш ва ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида фойдаланадиган ҳимоя этишининг барча асосий йўналишларини ёритиб беришдан иборат эди.

Машғулотлар ахборот хавфсизлиги, ахборот асослари стандартлари ва ахборот хавфсизлигининг криптографик асослари курслари бўйича ўқазилди. Малака ошириш курслари тингловчилари мавзу юзасидан турли мақолалар яратишди, олган билимлари бўйича маъруза матнларини тайёрлашди.

С. НАЗАРХУЖАЕВА, «Туркистон-пресс»

Ташаббус — 2004

ЯНГИ ЮТУҚЛАРГА УНДАЙДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Байрамонга безатилган залдан нафақат танлов қатнашчиларининг, балки сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари билан ички бозорни таъминлаш баробарида хорижда ҳам харидорини топаётган корхоналарда тайёрланаётган товарлар кўргазмаси ўрин олди. Экспозициялар кўргазмасининг дид билан тайёрланганиги, эътиборни жалб этиши, шу билан бирга маҳсулотларнинг янги, бозоргир турлари қўйилганлиги барчага маъқул бўлиб, ундан тадбиркор ва хунармандларнинг бугунги изланиш ва эртанги режаларини аниқ билса бўлади.

Танловни Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бoshқармаси бошлиғи Алишер Каримов очиб, барча иштирокчиларга омад тилади. Сўнгра қуръа ташлаш йўли билан 11 нафар тадбиркор ва 11 нафар хунарманднинг тартиб рақамлари белгиланди. Танлов 2 босқич, тадбиркорлар учун 5 та шарт ва хунармандлар учун 4 та шарт белгиланган ҳолда ўтди. Хайбат аъзолари ҳар бир шарт бўйича баҳоларни қўяр экан, тадбиркорликда оригиналлик, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи, экспортбop маҳсулотлар, янги технологиялар асосида иш юритиш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш, замонавий дастгоҳлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш, харидорчилиги, уларни реклама қилишга, хунармандчиликда эса ишни қандай ташкил этиши, шогирдлар тайёрлаш, тайёрлаган экспозициясининг бадий савияси ва маҳорати, тайёрланаётган буюмларга бўлган эҳтиёж каби жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлашди.

Шуни айтиб ўтиш ўринлики, «Тальяна» хусусий фирмасининг эркаклар костюм ва шимлари, «Этикод» хусусий корхонасининг рақобатбардош мебеллари, «Нонаш» масъулияти чекланган жамиятининг қандолат маҳсулотлари, «Акома»нинг трикотаж кийим-кечаклари «Хан Био Тек»да

ишлаб чиқарилаётган табиий шарбатлар, «Авицена Арома»нинг дезинфекцияловчи воситалари ва «Акватех»нинг сувни тозалаш филтрлари га ташқи бозордан ҳам буюртмалар тушаётгани ниҳоятда қувонарлидир. Ёки уста хунармандларимизнинг ёрқин жиллоли, маҳоратлари акс этиб турган санъаткорона буюмлари халқро кўргазмаларда эътироф этилаётганидан фахрланмай бўладими! Уларда «Ташаббус»га ташаббус билан келганлиги, янгиликка интилиш, изланиш, энг асосийси қалбда Мустақил юрт иқтисодиёти равнақиға муносиб улуш қўшиш истаги жўш ураётганлиги ҳар бир чиқишларию саволларга жавобларда сезилиб



турди. — Энг муҳими эса ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик ва хунармандчилик ривожига қаратилаётган эътибор ҳар биримизни руҳлантирмоқда, — дейди шахар Товар ишлаб чиқарувчилар Шунингдек, тадбиркорларнинг қандли диабет билан хасталанган болаларга меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди. Шунга таъкидлаш ўринлики, ушбу танлов барча тадбиркор ва хунармандларнинг келгуси изланишларида, меҳнат фаолиятларида муҳим аҳамият касб этиб, янги-янги ютуқларга ундаса не ажаб.

ридаги уруш ва меҳнат фахрийларининг «Нуроний» шифохонасига 1085 минг сўм миқдориди. Сирдарё вилоятидаги «Саховат» уйига ҳамда Жиззах вилоятидаги Қариялар пансионатига 2170 минг сўм миқдориди дори-дармон мурувват ёрдами сифатида топширилди.

— Айни вақтда амалга оширилаётган тадбирларимизда, — дейди жамғарма марказий кенгаши раиси Эркин Боқибоев, — мамлакатимизда бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатлик, фуқаролараро тотувлик, ўлкаимизда яшаб, меҳнат қилаётган турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжихатликни янада муσταҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎЗА мухбири



моқда. Тадбиркорларимиз қалбидидаги ҳар бир ташаббусни қўллаб-қувватлаш, уни сўндирамаслик эса асосий вазифаларимиз сирасига киради. Менимча, ташаббус, бу — изланиш, ташаббус бу — меҳнат, яхшилик ва янгиликни оламга ёйишдир.

Албатта, изланишлар ҳақиқий бўлса самара беради, меҳнатнинг маҳсули эса муваффақиятларда аксини топади. Танлов якунида ҳам барча бунга гувоҳ бўлди.

Ниҳоят, голиблар аниқланиб, улар «Ташаббус-2004»нинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Бундай шарафга тадбиркорлар орасидан «Акватех» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси масъулияти чекланган жамияти (Альбина Сафарова) ҳамда хунарманд-сандиксоз уста Убайдулла Қосимов сазовор бўлди. Тадбиркорлик йўналиши бўйича 2-ўрин «Нонаш» масъулияти чекланган жамияти (Шукурулла Файзуллаев)га, 3-ўрин эса «Этикод» хусусий фирмаси (Абдугани Қосимов)га насиб этди. Шу билан

бирга ҳайбат аъзолари лок миниатора устаси Шоолим Шомансуровни 2-ўрин ва ёғоч ўймаkori Анвар Алимбоевни 3-ўрин соҳиби деб эълон қилишди. Танловда кўзда тутилган 18 та йўналиш бўйича голиблар ҳам аниқланди. Шаҳарнинг «Энг яхши тадбиркор» ва «Энг яхши хунарманд»ига 1-дарражи Диплом ва қимматбаҳо совғалар 2, 3-ўрин эгаларига, барча номинация голиблари ва иштирокчиларга совғалар топширилди.

Шунингдек, тадбиркорларнинг қандли диабет билан хасталанган болаларга меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди.

Шунга таъкидлаш ўринлики, ушбу танлов барча тадбиркор ва хунармандларнинг келгуси изланишларида, меҳнат фаолиятларида муҳим аҳамият касб этиб, янги-янги ютуқларга ундаса не ажаб.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: «Ташаббус-2004» танловининг шаҳар босқичидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Маънавий

ИНСТИТУТНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Меҳр ва мурувват бир-бирига ҳамдам ва собитқадамдир. Меҳр—қуёш янглиғ ҳароратли, оташнафас, ҳар бир қалбга бир олам ёруғлик олиб кирувчи туйғу. Мурувватнинг эса қадамлари баракали, шиори саҳийлик, бағри эса саховат уммонига лиммо-лим тўлиқ.

Жорий йилнинг бошидаёқ Тошкент авиация институтига бир қанча хайрли ишлар бошлаб юборилди. Яқинда институт томонидан шахримиздаги 103-болалар мактаб интернатига 6 дона компьютер, 50 та стол-стул, болалар учун бадий китоблар тақдим қилинди.

—Шунингдек, институтимиз томонидан ўқис қалбли жажжи болажонларга ош берилиб, турли хил совғалар тарқатилди, зеро бу уларнинг кўнглини кўтариб дардларига малҳам бўлади деб умид қиламиз ва бундан кейин ҳам қўлимиздан келадиган ёрдамни аямаймиз, — дейди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, профессор Зиёвуддин Фуломов.

МАЪНАВИЯТ ДАВРАСИ

Маънавияти юксак халқнинг келажиги порлоқ ва эртаси обод бўлади. Яқинда Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг «Сиз кутган учрашув» мавзусидаги ижодий кеча бўлиб ўтди.

Кечани институтнинг маънавият ва маърифат бўйича проректори Баҳодир Назаров очиб, ҳар ойнинг охири пайшанбаси «Маънавият куни» деб эълон қилинганлигини ва бундан буён ушбу кунда ҳар хил ижодий учрашувлар, бадий кечалар ўтказиб турилишини таъкидлаб ўтди.

Кечادا Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Ҳожиакбар Ҳамидов, Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мадина Мухторова, истеъдодли актёр Абдурайим Абдувахобовлар иштирок этдилар. Куй, қўшиқ, қизиқарли суҳбатлар, савол-жавоб тарзидаги самимий мулоқотлар институт талабалари ва ўқитувчиларини хушнуд этди.

Гулчеҳра САТТОРОВА

Куни кеча Ҳамза туманидаги тарих фанига ихтисослашган 216-мактабда бўлиб ўтган «Огоҳлик—давр талаби» мавзусидаги тадбир ҳам айнан юқоридаги мақсадларни кўзлаган ҳолда ўтказилди.

Туман мактабларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, шаҳар педагог-ҳодимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти, «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши, Охунбобоев номли маҳалла фаоллари, мактабнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этган тадбирда эл-юрт осойишталиги, турли жиноятларнинг олдини олиш, ҳамиша эътиборли, апрофлагги ҳодисалардан вақтида огоҳ бўлиш каби масалалар бўйича фикр юритилди.

— «Ўз уйингни ўзинг асра!» деб бежиз айтаётгани йўқ, — деди жумладан тадбирда сўз олган Охунбобоев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саидрасул Гозиев. — Токи шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъий назар ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисалардан вақтида огоҳ бўлсин. Ҳаммамиз бир-

галикда тинчликни сақлаш учун ҳаракат қилишимиз керак. Айниқса ёшларимизнинг бекор юришлари, турли оқимларга, ОИТС, гиёвандлик балосига йўлиқишлари

Огоҳлик — давр талаби

ДОЛЗАРЪ МАВЗУЛАРДА ФИКР ЮРИТИЛДИ

Униб-ўсиб келаётган ёшларни ҳар томонлама соғлом фикрли, юксак маънавиятли, билимдон қилиб тарбиялаш бугунги кун талабидир. Бу борада ўқув муассасаларида ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар, қизиқарли учрашувлар ва давра суҳбатлари айниқса эътиборга моликдир.

рининг олдини олишимиз лозим.

— Мактабимизда 1553 нафар ўғил-қизлар таълим-тарбия оладилар, — дейди 216-мактаб директори, «Меҳнат шўҳрати» ордени нишондори, халқ маорифи аълочиси Мавжуда Воҳидова. — Уларнинг пишиқ-пухта билим олишлари, бўш вақтларида спорт билан шугулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Охунбобоев номли маҳалла билан ҳамкорлик-

да спортнинг таэквондо, каратэ, миллий кураш тўғрақлари фаолиятини йўлга қўйганмиз. Уларда Ўзбекистон каратэ миллий федерациясининг таниқли мураббийлари машгулотларнинг мунтазам ўтказилишини таъминлаб келмоқдалар. Шунингдек камхарж, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари, ҳар бир синфдан иккитадан ўқувчи ушбу тўғрақларга бепул қатнамоқда. Мактабимиз тарих фанига ихтисослашгани учун ҳам тарих, ҳуқуқ, археология-ўлкашунослик фанлари чуқур ўргатилади...

Тадбирда мактабнинг 7-8 синф ўқувчилари томонидан ҳамиша огоҳликка даъват этувчи шеърлар, чиройли сахна кўринишлари мароминга етказилган ҳолда ижро этилиб йиғилганлар оқшосига сазовор бўлинди. Айниқса 7-«Б» синф ўқувчиси, илк шеърини машқлари билан «Туркистон», «Тонг юлдузи» каби ёшлар газеталарида фаол қатнашиб келаётган Элдор Нема товнинг янги шеърларидан ўқиб бериши барчага маъқул бўлди.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Тадбиркорлик

КЎРКАМ ПАРДОЗ ДЕВОРЛАРИ

Бугунги кунда қураётган уйларимиз, биноларимизнинг ички қулайлиги билан бир қаторда ташқи чиройига ва ён-атрофи ободончилигига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунёдкорлик соҳасида ҳам дид ва эҳтиёжимиз ўсиб бормоқда.

Албатта бунинг учун сифатли қурилиш ашёлари зарур. Бундай материалларнинг чидамлилиги, рақобатбардошлиги, ишлатишга қулайлиги муҳим роль ўйнайди. Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш йўлида яратилган шарт-шароитлар боис ҳам қурилиш ашёлари — бунёдкорликда асқотадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар сафи ҳам ортаётгани кўнарлидир. Бу бунёдкорлик ишлари қўламининг кенгайишига қурилиш материаллари таннархи пасайишига, рақобатбардош ва четдан келтириладиган ана шундай товарлар ўрнини босадиган маҳсулотлар кўпайишига катта ҳисса бўлади.

Ана шундай кичик корхоналардан бири «Фасад Антураж» масъулияти чекланган жамияти ўтган йилнинг июнь ойида иш бошлади. 7 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада маҳаллий хом ашёдан пардоз деворлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

— Австрия технологияси асосида тайёрлаётган пардоз деворларимизни буюртмачи талабига кўра турли кўринишда, ҳажмда, энгил ва қулай қилиб ишлашга эришганмиз, — дейди корхона раҳбари, тадбиркор Рустам Кушербоев. — Бир кунда 100 метр ана шундай пардоз деворлари ишлаб чиқариш қувватига эгамиз. Бинонинг кўринишига, хизмат кўрсатишга қараб маҳсулотнинг дизайнини турли хил тайёрлаймиз. Шунингдек, буюртмачи талабига кўра ушбу

йиғма деворларимизни ўрнатиб ҳам берамиз. Ушбу пардоз деворини миллий анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда турли нақшн безаклари билан пардозлаймиз ва ранг берамиз. Бу маҳсулотимизни ички бозорни мукамал ўрганган ҳолда яратдик ва ўйлашимизки харидорларимиз сафи кенгайиб, ишлаб чиқаришни ил сайин ошириш имкониятига эга бўламиз.

Келгусида эса тадбиркорлар бозорни ўрганиш асосида ойналарга ўрнатиладиган гулли панжаралар, биноларнинг ташқи кўринишини пардозлашда қўлланиладиган безакли панеллар ишлаб чиқаришни режалашмоқда. Уларнинг асосий мақсадлари маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда бунёдкорлик юмушларида асқотадиган қурилиш ашёларининг мустаҳкам ва рақобатбардош турларини тайёрлаб, шахримиз, қолаверса юртимиз чиройини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишдир. Шу билан бирга замон талабларига жавоб берадиган улкан биноларнинг тез ва соз қад ростлашида, эл-юртга хизмат кўрсатишда зарур бўлган бунёдкорлик маҳсулотлари хилларини кўпайтириш ҳам тадбиркорларнинг мақсадлари сирасига киради.

Дилноза ФИЁСОВА СУРАТДА: тадбиркор Рустам Кушербоев ўзлари тайёрлаган пардоз деворларини кўрсатмоқда.
Ҳажимжон Солиҳов олган сурат.

Янги марказ

Пойтахтимиздаги «Kapital-bank» ўзининг бешинчи чакана хизматлар кўрсатиш марказини очди. «Шўҳрат» деб аталган бу марказ Чилонзор ва Акмал Икромов туманлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Банк режа асосида шахарнинг турли бурчакларида бундай марказлар тармоғини ташкил этмоқда. Ана шу тарзда банк «мижозга яқин бўлиш» тамойили бўйича фаолият юритишга интилоқда.

Янги муассасада юридик ва жисмоний шахслар бугунги кунда 190 мамлакатни бирлаштирувчи Western Union пул ўтказиш тизими хизматидан фойдаланиши мумкин.

— Шахримиз аҳолиси Western Union тизимининг қулайлигини яхши билади, — дейди «Шўҳрат» маркази директори Бахтинур Нурмухамедов. — АҚШ доллари ҳисобида чет элга, шунингдек хориздан Ўзбекистонга тез пул ўтказиш телеграф ва почта орқали жўнатиш тизимларига қараганда қулай ҳамда ишончлидир. Қисқа муддат ичида керакли маблағ белгиланган манзилга ўтказилади. Western Union пул ўтказиш тизими вақтинчалик молявий қийинчиликларни тезлик билан баргараф этади. Биргина ўтган йили банк республикамизга 8 миллион АҚШ доллари микдоридида валюта келиб тушишини таъминлади.

Бошқа марказлардаги каби «Шўҳрат»да ҳам кенг қўламли банк хизматлари кўрсатилади.
В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида «Фукусима-Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг дунёдаги барча давлатлар, жумладан, Япония билан ўзаро тенг ҳуқуқли ва манфаатли алоқалари тобора ривожланмоқда. Бу борада «Фукусима-Ўзбекистон» уюшмасининг ўзига хос ҳиссаси бор. Ҳар йили юртимизда Кунчиқар юртининг маданият кунлари ўтказилмоқда. Японияда эса таниқли ўзбек санъаткорлари иштирокида Ўзбекистон маданияти кунларининг ташкил этилиши, турли илмий, маданий учрашувлар ўтказилиши яхши анъанага айланиб қолди.

— Ўзбекистон жуда кўхна тарих ва маданиятга эга мамлакат, — деди уюшма раҳбари Тосио Сисидо. — Ўзбек миллий санъати эса кўпчилик японияликни ўзига ром этмоқда. Шу боис бу йил ўзбек санъати усталари билан бўладиган навбатдаги учрашувларга кизгин ҳозирлик кўрмоқдамиз.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганлиб домо бўлиб...

- Қирқ ёш — ёшликнинг интихоси, эллик ёш — қариллик ибтидоси.
 - Кексайганини одам қачон сезади? Буни у орзу-умиддан воз кечиб, фақат хотиралар билан яшай бошлаганида ҳис қилади.
 - Ёшлиқда нимани эксанг, улгайганингда шуни ўрасан.
 - Қариси бор уйнинг париси бор.
 - Ҳақиқий ҳаёт эллик ёшдан бошланади. Бу ёшда одам чинакамга пишиб етилади, бошқаларга ўрнат олса арзиғулик хислатларига эга бўлади. Бировларга сабоқ бўладиган нарсаларни тушуниб етади.
 - Кексалик доноликни ўргатадиган палла, ёшлик эса уни қўллайдиган пайт.
- РИВОЯТ.** Кунлардан бир кун Нўширавон соч-соқолини олдириш учун саройдаги боққа сартарошини чақиртиради. Сартарош қўлини унинг бошига қўйгач, бундай дейди: «Агар сиз, олий ҳазратим, хушрўй қизингизни менга хотинликка берсангиз, мен сизни Қайсар меҳнатидан форуғ этаман».
- Нўширавон ўзича: «Бу одам ўзи нима деярми?» деб ўйлаб, унинг сўзларига ҳайрон бўлди. Аммо сартарошнинг қўлидаги устарасидан кўриб, бирон қарши сўз айтишга юраги дов бермай: «Жоним билан, фақат сочимни олиб қўйганингдан кейин», деди.
- Нўширавон сартарош сочини олиб бўлиб кетгандан сўнг кекса маслаҳатгўйи Бузуржмехрни чақириб, унга бўлган воқеани айтиб берди. Бузуржмехр сартарошни олиб келишларини буюрди ва ундан сўради: «Сен олий ҳазратнинг сочини олаётганда нима дединг?»
- У жавоб берди: «Ҳеч нима». Шунда Бузуржмехр сартарош турган ерни кавлаб кўришни буюрди. У ердан беҳисоб бойлик топиди. Бузуржмехр дейди: «Олий ҳазратим, сартарош айтган сўзларни унинг ўзи айтмаган. У гапни ушбу ҳазина айтган, чунки унинг қўли сизнинг бошингиз тепасида, оёғи ганжина устида бўлган». Араблар айтмоқчи: «Кимки ўз оёғи остида ҳазина кўрса, у ўз ҳадидан ортиқ нарсани сўрайди».
- Қиссадан ҳисса шуки, қари билганини пари билмас деган нақл жуда тўғри айтилган.
- Байт:
- Ёшлик қувватю,**
кексанинг ақли —
Ғалаба гарови, бу
халқнинг нақли.
- Ҳаракат ва интилишсиз, фидойиллик ва меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.
 - Илмнинг ибтидоси — ақл, ақлнинг ибтидоси — сабр-тоқат.
 - Фақат билмоқлик учун эмас, балки бирор ишни эплай билиш учун ҳам билмоқ зарур.
 - Улуғ ишлар чидам ва матонат туфайли амалга ошади.
 - Биттагина хайрли иш бир олам илмдан афзал.
 - Агар сиз билимдон бўлсангиз, ўзгаларга ҳам уни ўргатинг. Сиздаги нурдан улар ҳам ўз шамчиқроқларини ёндириб олишсин.

Ташкилотимиз бой тарихга эга ва у жаҳоннинг қўллаб мамлакатларида фаолият олиб боради. Ўзбекистон билан амалий ҳамкорликка эса 1998 йилда асос солинган. Асосий вазифамиз аҳолининг ёрдамга муҳтож — кекса кишилар, етим болалар, ногиронлар, беморлар, кўп фарзандли оилалар, табиий офатлардан жабр кўрганларни ижтимоий қўллаб қувватлашдан иборат.

Ташкилот томонидан тақдим этилаётган ёрдам республика бўйича тарқатилаётган озиқ-овқат, кийим-кечак, пойафзал, тиббий ва бошқа жиҳозлар, дори-дармонлар ва бошқа қўллаб зарур нарсалардан иборат беғараз юклардан ташкил топади. Беш йил давомида мамлакатнинг 700 га яқин ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари бизнинг ёрдамимизни олишди. Ҳисоб-китобимизга қараганда бу ёрдам 12 миллион кишига етиб борди.

Ташкилотимиз доирасида амалга оширилаётган тадбирлар АҚШ Давлат департаменти ва ушбу мамлакатнинг хайрия ташкилотлари томонидан молиялаштирилади.

Фаолиятингизнинг самарадорлиги маҳаллий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа идоралар билан ҳамкорлик даражасига боғлиқми? Сизнинг Ўзбекистондаги асосий ҳамкорларингиз кимлар?

Ташкилотимиз республикадаги фаолиятини 1994 йил Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида имзоланган ҳукуматлараро келишув асосида олиб боради. 1998 йилда ташкилотимиз ва республиканинг Фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари билан «Келишув тўғрисида меморандум» имзоланган. Мазкур асосий ҳужжатлар республиканинг бутун ҳудудда ушбу йўналишдаги давлат дастурларига

мос равишда тадбирлари ташкил қилишни белгилаб беради.

Биз нафақат юқорида тилга олинган вазирликлар ва уларнинг минтақавий бўлинмалари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилаёмиз. Ўзбекистон болалар, «Соғлом авлод учун», «Ибн Сино», «Фалак нури», «Ойдин нури»,

Меҳр ва мурувват миссияси

«Каунтерпарт Интернэшнл» Ўзбекистонда меҳр ва мурувват фаолиятини юритаётган халқаро ташкилотлардан биридир. Мазкур ташкилотнинг мамлакатимиздаги инсонпарварлик ёрдами дастури раҳбари Фотима Топпулатова билан бўлиб ўтган суҳбат «Каунтерпарт Интернэшнл» фаолиятининг мақсад ва вазифаларига бағишланди.

«Ишонч», «Мангу ҳаёт» каби қатор республика жамғармалари ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳам яқин робиталар ўрнатилган.

Сизнинг назарингизда, «Каунтерпарт Интернэшнл» фаолияти мамлакатимизда эълон этилган Меҳр ва мурувват йили мақсадларига ҳамоҳанг бўлиб туюлмайдими?

Ҳақиқатан ҳам худди шундай. Бухоро вилоятида маҳаллий шерикларимиз билан ногиронлар аравачаларини тарқатганимиз хотирамда муҳрланиб қолди. Қўллаб туман марказларида, узоқ қишлоқларда бўлди. Хасталарнинг кўзларидеги хурсандчилик ва шукроналик ҳаяларимизнинг уларни нечоғли фаол ҳаётга, атроф олам билан муомалага қайтараётганини таъкидларди. Бундай лаҳзаларда инсон ўзининг иши ва унинг минглаб одамларга фойда келтираётганидан катта қониқш ҳис етади.

2002 йилда ташкилотимиз энг йирик инсонпарварлик лойиҳалардан бири -

учта самолёт билан 35 миллион АҚШ доллари миқдоридagi дори-дармонлар партиясини етказиш бўйича мувофиқлаштирувчи бўлганини мамнунлик билан хотирага оламан. Ушбу лойиҳани амалга оширишда - «Heart to Heart», «Project Hope», «Northwest Medical Team», «AmeriCares» каби турли халқаро ташкилотлар иштирок этди. Ташкилотимизнинг лойиҳадаги ҳиссаси 6 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Шу ўринда Тошкент олий ўқув юртлири талабалари Ҳасан Отамирзаев, Нилуфар Бобонова ва бошқа ёшларнинг ўзларининг ўқишдан бўш вақтларида идора ходимлари фаол ёрдам бераётганини алоҳида кўрсатиш лозим. Алаҳусусе, ваколатхонамиз иш фаолияти жуда кенг: инсонпарварлик ёрдами етказиш ва тарқатиш, янги лойиҳалар бўйича тақлифлар тайёрлаш, жойларда ёрдамларнинг ўзлаштирилишини доимий равишда кузатиш шулар жумласидандир. Шерикларимизни фахр ва мамнуният билан тилга оламан. Бирон марта ҳам инсонпарварлик ёрдамининг манзил бўйича етказилмаганини ёки унинг талон - тарож қилинганини эслай олмайман.

Ўзбекистонда ташкилотимиз фаолияти бошланган биринчи кундан буён 43 млн. АҚШ доллари миқдорига яқин инсонпарварлик ёрдами етказилди. Яқинда «Hospital Project» номли янги лойиҳа тасдиқланди. Унинг доирасида республика шифохоналарига турли тиббий ускуна ва дори-дармонлар етказиш йўли орқали ёрдам беришни давом эттираемиз. Лойиҳани амалга оширишни Сирдарё вилоятидан бошлаймиз. Яқин келажакда навбатдаги инсонпарварлик юкиннинг келишини кутмоқдамиз. Қисқа муддат ичида уни муҳтож бўлганларга етказишга ҳаракат қиламиз.

Иқболжон СОЛИЕВ,
«Жаҳон» АА

Очик мулоқот

Саъй-ҳаракатлар самара беради

Яқинда «Олимпия шон-шухрати» музейида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсупов билан спорт журналистлари ўртасида очик мулоқот бўлиб ўтди. Ўзаро очик, ошқора руҳда ўтказилган ушбу мулоқотда Комилжон Юсупов журналистларнинг саволларига қуйидагича жавоб берди.

— Ҳар бир спорт тури бўйича хозирда мамлакатимизда 70та федерация фаолият олиб бораётган бўлса, шулардан атиги бир нечтасини яхши ишлаётган федерациялар қаторига киритиш мумкин. Тан олиш керак, қолган федерациялар ҳалигача ўз макенини тиклаганича йўқ. Тўғри, камчиликлар билан бир қаторда ютуқларимизни ҳам гапириш лозимдир. Аммо муваффақиятларнинг орқасидаги меҳнат ва қийинчиликларни ҳам кўрсатиб ўтиш керак деб ўйлайман.

Спорт соҳасини ёритишда журналистларнинг ишларини қандай баҳолайсиз?

— Агарда оммавий ахборот воситалари ходимлари соҳамиз ишларини тарғиб қилмаганда эди, бизнинг ишларимиз кўзга кўринмаган бўларди. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, спортни ёзадиган ва шарҳлайдиган журналист албатта профессионал, яъни шу соҳани мукамал билиши лозим. Шу билан бир қаторда ҳар доим ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиши, уни ўз кўзи билан кўриб таҳлил қилиши ҳам керак деб ўйлайман. Эндикда биз журналистларнинг олимпиада мусобақаларида қатнашишларига имкониятимиз борича ёрдамлашмоқчимиз.

Июнда ўтказиладиган Универсиада мусобақаларига тайёргарлик қандай кечмоқда?

— Маълумки, Универсиада ҳар йили олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақаларидан биридир. Асосан бунда биз республикаимиздаги бар-

ча олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда ишлашга ҳаракат қиламиз. Самарқандда бўлиб ўтадиган Универсиадага олдиндан гуруҳлар саралаб олинган, улар фақат мусобақа олди-дан тайёргарлик кўриб қолмай, балки йил давомида ўзларини ҳар жиҳатдан чиниктириб бормоқдалар.

Олимпиада мусобақаларига ўзбекистонда қай тарихи ривожланмоқда?

— Ҳар бир давлат битта спорт турини ривожлантириш учун ушбу спорт тури ўша давлатни қай даражада дунёга танита олиши илмий асосларда ўрганиб чиқилади ва шу билан бир қаторда унинг инсон организмга безарарлиги ҳисобга олинади. Ана шундан кейингина ўша спорт турига молиявий маблағ сарф этилади, тарғиб қилина бошлайди. Демак, ҳар қандай спорт тури мамлакат ва халқ нуктаи назаридан ривожлантирилади. Олимпия мусобақаларига киритилмаган спорт турлари эса кейинги ўринлардаги жараён-дир. Бироқ юртимизда иложи бори-ча ҳар бир спорт турини ривожлантиришга ҳаракат қилияёмиз. Жумладан, кейинги пайтларда миллий спорт турларини тараққий эттириш борасида ҳам кенг қўламдаги саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда...

Очик мулоқот сўнггида спорт соҳасини оммавий ахборот воситаларида яхши ёритиб келаётган журналистлар ўртасида танлов йўлга қўйилганлиги эълон қилинди ва голиблар тез кунда аниқланади.

Орзуғул РУСТАМОВА



Улкамизда баҳор нафаси.

ЯНГИ ДОЛЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

АҚШда янги купюралар муомалага киритилганига беш ой бўляпти. Утган йилнинг 9 октябрида молия вазирлиги янги 20 долларлик банкнотни жорий этган эди. Янги пулларнинг муомалага киритилиши қандай натижа беряпти?

Янги долларнинг ташқи кўриниши бироз ўзгартирилган, ўтмишдодан рангдорлиги билан ажралиб туради. Лекин ҳажми ва ўлчамлари ўзгармаган. Олд томонида АҚШнинг еттинчи президенти Эндриу Жексоннинг сурати, орқа қисмида эса Оқ уй тасвирланган.

Банкнотда асосан яшил, оқ ва қора ранглардан фойдаланилган. Лекин президент Жексон суратининг атрофи тўқ сариқ рангга бўялган ва унинг чап томонида мовий бургут сурати бор.

Лекин асосий гап пулнинг ташқи қиёфаси ўзгарганида эмас. Унинг ҳимояси анча кучайтирилган. «USA Today» газетасида АҚШ молия вазирлигининг сохта пул ясовчиларга қарши курашувчи муассасаси - махфий хизмат мутахассисларининг бу масалада билдирган фикрлари эълон қилинди. Мақолада айтилишича, янги банкнотни, эскидан фарқли ўлароқ, қалбакилаштириш жуда қийин. Уни ишлаб чиқишда янги дизайн ва ҳимоя унсурлари қўлланилган.

Банкнотнинг муомалага чиқарилиши, қалбаки 20 долларликлар ҳаракатини ҳам тўхтатиб қўйди. Махфий хизмат вакилларининг таъкидлашича, сохта пул ясовчилар янги долларнинг ҳимоя унсурларидан нусха кўчира олмаган.

Эски купюрадаги сохта пулларни аниқлаш жараёни ҳам осонлашди. Маълумотларга қараганда, 9 октябрдан буён махфий хизмат ходимлари томонидан умумий қиймати 1 миллион долларга тенг сохта пуллар аниқланган. Бу илгари шунча даврда қўлга олинган қалбаки долларлардан анча кўпдир.

АҚШ ҳукумати пул ҳар 10 йилда янгиланишини маълум қилди. Жорий ва келаси йилда янги 50 ва 100 долларлик купюралар муомалага чиқарилиши кутилмоқда. Эски пуллардан эса улар муомаладан чиқиб кетмагунча фойдаланавериш мумкин.

**Нодирбек ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси**

Сўқибол

«ПАХТАКОР»НИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича янги мавсум бошланишидан олдин ҳаёл беҳиштиёр ўтмишга етаклайди. Утган асрнинг 70-йилларида — ўсмирлик чоғларимизда жамоаларимиз илк расмий ўйинларни март ёки апрель ойларида мамлакат чемпионатида қатнашиш билан бошлашарди.

Биз ишқибозлар эса бундай дамларни узоқ вақт орзиқиб кутардик. Мустақиллигимиз шарофати билан барча спорт турлари сингари мамлакатимиз футболи ҳам халқаро майдонга дадил кириб бормоқда. Бу борада маълум ютуқларга эришдик ҳам. Бу йилги мавсум ол-

лубияти, «Нефтчи»нинг муваффақиятсизликларидан сўнг ушбу учрашувнинг ҳам севимли жамоамиз учун мураккаб кечишини тасаввур қилгандик. Зеро, рақиб жамоаси таркибда кўплаб кучли легионерлар, жумладан, Диего Марадона билан Аргентина терма жа-



моасида бирга тўп сурган Клаудио Каниджа мавжуд эди. Дарҳақиқат, беллашув кескин курашлар билан бошланди. Одатга кўра «Пахтакор» ҳужумга эътибор қаратган бўлса-да, «Катар СК»нинг кучли қарши ҳужумлари ҳам «Пахтакор» дарвозаси олдида ҳавф тугдириб турди. Биринчи бўлимда айнисса Леонид Кошелевнинг чамаси 30 метрлардан берган жуда кучли, бироқ бир оз ноаниқ зарбаси ишқибозларни руҳлантириб юборди.

Учрашувнинг 43-дақиқасида одатдагидек

белгиланган жарима тўпини Леонид Кошелев кучли зарба билан дарвоза сари йўллади. Бироқ «жонли девор»га тегиб қайтган тўпини «Пахтакор» ҳимоячиси Алексей Николаев узоқдан шиддатли зарба билан дарвозанинг ўнг бурчагига туширди. Шундай қилиб ўйинда ҳисоб очилди.

Иккинчи бўлимда майдонга Вячеслав Пономарев ва Марат Бикмаев каби ёш, умидли футболчилар тушгач, ўйин суръати янада тезлашди. Деярли бутун бўлим давомида «Пахтакор» тўхтовсиз ҳужумлар уюштирган бўлса-да ўйинда бошқа тўп киритилмади. Ўз навбатида рақиб жамоасининг айрим кучли қарши ҳужумларини «Пахтакор» дарвозабони Игнатий Нестеров бартараф этди.

1:0 ҳисобида муҳим ғалабага эришган «Пахтакор» ўз мухлисларини беҳад қувонтирди. Осиё чемпионлар лигаси «А» гуруҳидаги кейинги ўйини шахримиз футболчилари 6 апрель куни Тошкентда Бахрайн чемпиони «Ал-Риффа» жамоасига қарши ўтказадилар.

Дилмурод ИСМОИЛОВ



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


Баҳор байрамлари арафасида

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

«Гулбаҳор» омонат турини таклиф этади

Йиллик даромад 50%

- пуллар 2004 йилнинг 24 февралидан — 5 мартгача қабул қилинади
- сақлаш муддати - 45 кун
- бадалнинг минимал суммаси — 50 000 сўм



МИЛЛИЙ БАНК — ПУЛЛАРИНГИЗ САҚЛАНИШИ ВА ДАРОМАДЛИЛИГИГА КАФОЛАТДИР!

Кўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 телефон рақамлари орқали ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин
www.nbu.com

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Й.Охунбобоев номи Республика тиббиёт коллежида 2004 йил 27 февраль кунин соат 8.00 дан 17.00 гача «Очиқлар эшиклар кунин» ўтказилади.

КОЛЛЕЖДА

1. «Фармация»
2. «Ҳамширалик иши»
3. «Тиббий профилактика иши»
4. «Лаборатория диагностика»

йўналишларида мутахассислар тайёрланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Турккўрғон кўчаси, 9-уй.
18, 97, 148-автобуслар, 3-троллейбус, 27-трамвайнинг «Ишчилар шаҳарчаси» бекати.

**SONY-54,
кумушсимон
стерео 200 у.е,
SONY-63,
кумушсимон
стерео 300 у.е
Янги телевизор
лари сотилади.
Тел: 22-98-05**

Спорт

**ОЛДИНДА
НУФУЗЛИ
ТУРНИРЛАР**

**Каратэ курраи заминда-
ги энг оммавий спорт тур-
ларидан бири ҳисобланади.
Ушбу шарқ яккакураши
юртимизда ҳам кенг ри-
вожланмоқда.**

Ўзбекистонда ҳозирда 60 минг киши каратэ билан мунтазам шуғулланиб, мусобақаларда иштирок этмоқда. Юртимиз каратэчиларининг халқаро мусобақаларда эришайтган натижалари ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. Юртимиз каратэчиларининг халқаро мусобақаларда эришайтган натижалари ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. Юртимиз каратэчиларининг халқаро мусобақаларда эришайтган натижалари ҳам тобора яхшиланиб бормоқда.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси мутасаддилари ва спорт журналистлари иштирокида бўлиб ўтган анжуман ҳам айнан Осиё чемпионати натижалари таҳлили ва 27-29 февраль кун «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуида бўлиб ўтадиган ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги 4-Ўзбекистон чемпионати мусобақасига бағишланди.

Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, Ўзбекистон Миллий Каратэ федерацияси президенти Нурхон Нафасов китъа чемпионатида юксак натижага эришилганини эътироф этган ҳолда, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, каратэчиларимиз ўз маҳоратларини янада оширажакларини таъкидлаб ўтди.

Шуни айтиш керакики, Ўзбекистон чемпионати олдидан уч кун давомида республикамизнинг бутун ҳудудларидан таклиф этилган ҳакамлар иштирокида семинар ўтказилди. Чемпионатда эса барча вилоятлардан энг-умидли ўсмир ва ёшлар қатнашиб, терма жамоа таркибидан ўрин олишга ҳаракат қилишади.

Каратэчиларимизнинг бу йил қатнашадиган мусобақаларига тўхталадиган бўлсак, уларнинг ранг-баранг ва нуфузли турнирлар эканлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари март ойида АҚШда Атланта Кубоги, апрелда Туркияда Босфор Кубоги, май ойида Россияда МДХ Кубоги, июнда Филиппинда «КОИ» жаҳон Кубоги, сентябрда Англияда мамлакат очик чемпионати, октябрда эса Мексикада катталар ўртасида жаҳон чемпионатида иштирок этадилар.

Ушбу мусобақаларда каратэчиларимизга омад тилаймиз.

(Ўз мухбиримиз)

Табиятда мавжуд бўлган 200 дан ортик вируслар одамларда хасталикни юзага келтириб, ўткир респиратор касалликлари белгиларини тўлиқ намоён қилиши мумкин. Айни пайтда баъзи хорижий давлатларда тарқалган парранда гриппи қандай касаллик ва унинг олдини олиш учун қанақа тадбирларни амалга ошириш зарурлиги хусусида тўхталиб ўтамиз.

Парранда гриппи вируси товуқ, ўрдак ва гоғзал, канарейка, тўғи ва баъзи бошқа қушларда касалликни юзага келтириб, уларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Фақат айрим ҳолатлардагина мазкур вирус инсонларда учрайдиган вируслар билан чапишиб, тирик мавжудлар учун хавфли бўлган вазиятларни юзага келтириши мумкин.

Касаллик манбаи касалланган парранда ва бемор одам бўлиши мумкин.

Парранда гриппининг яширин даври бир неча соатдан 3-5 кунгача давом этади. Касалликнинг белгилари — бош ва мушакларда кучли оғриқ, тананинг совуқ қотиши, ҳароратнинг 40-41 даражагача кўтарилиши, юз, қовоқ, кўз шох пардасининг шишиши, буруннинг битиб, суюқлик ажралиши, қайт қилиш, баъзан эса диарея ҳолатининг кузатилиши билан намоён бўлади.

Парранда гриппи билан касаллангандан сўнг иммунитет ҳосил бўлиши масаласи ҳали ўрганилмаган.

Бошқа грипп ва ўткир респиратор касалликлари сингари парранда гриппининг ҳам январь-февраль ойларида кўпайиши кузатилмақда.

Хозирги кунда, парранда гриппи кенг миқёсда Жанубий Шарқий Осиё давлатларида, шу жумладан Таиланд, Хитой Тайпейи, Лаос, Индонезия, Япония, Хитой, Бангладеш, Корея, Сингапур, Камбоджа, Вьетнам ва Покистонда тарқалган.

Жорий йилнинг 27-январиди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон эпизоотия бюроси ва Жаҳон озиқ-овқат ташкилоти биргаликда парранда гриппининг олдини олиш бўйича тадбирларни ўтказиш ва муҳофиз тадбирлари мажмуини амалга ошириш тўғрисида декларация қабул қилди.

Февраль ойи бошларида келиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти парранда гриппи вирусининг ўзгарувчанлигини исботловчи далиллар олганлиги ҳақида маълум қилди.

Республикамизда, шу жумладан Тошкент шаҳрида шу кунгача парранда гриппи қайд қилинмади. Мазкур касалликни Тошкент шаҳри ҳудудида кириб келиши ва тарқалиб кетишининг олдини олиш борасида қатор кечки-тириб бўлмайдиган чора-тадбирлар ишлаб чи-

қилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда. Шаҳар Эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг йиғилишлари ва уларда қабул қилинган қарорлар асосида эпидемик жиҳатдан нохуш бўлган ҳудудларга заруратсиз бо-ришни чеклаш ҳамда ушбу ҳудудлардан кел-ляётган йўловчилар, транспорт воситалари-га нисбатан ҳушёрлиқни ошириш мақсадида барча дахлдор ташкилотлар ва идораларга тегишли топшириқлар берилган. Даволаш-профилактика муассасалари тиббий асбо-

б-ёққизиб даволашга тайёрлаб қўйилган. Бундан ташқари тегишли дори-дармонлар, дезинфекция воситалари захираси яратилган. Тегишли ташкилот ва идоралар, кенг жа-моатчиликнинг биргаликдаги ҳаракатлари ушбу касалликнинг шаҳар ҳудудида четдан ки-риб келиши ва тарқалиб кетишининг олдини олиши мумкин.

Парранда гриппи билан касалланишдан сақланиш учун одамлар авваламбор ушбу ка-саллик кўплаб қайд қилинаётган ҳудудларга боришдан вақтинчалик сақ-ланиб туришлари лозим ва ўткир респиратор, грипп касаллиги мавжуд бемор-лар билан мулоқотда бўлмаганликлари маъқул. Мабодо, ушбу касал-ликларнинг бирон-бир белгилари кузатилса ва касалланиш айнан эпиде-мик нохуш давлатларга бориб келгандан сўнг юзага келса у холда дар-ҳуд тиббиёт ходимларига мурожаат қилишлари ке-рак.

Юқоридагиларни инобатга олиб ва шаҳар аҳолиси ўртасида парранда гриппи ва бо-шқа ўткир респиратор касалликларнинг тар-қалиб кетишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Жумладан, аҳоли кўплаб тўпланадиган жа-моат жойларида ҳамда ишлаб чиқариш кор-хоналарида хоналарни вақти-вақти билан шамоллатиш, ўқув-тарбия муассасаларида эрталабки «фильтр» (тиббий кўрик) сифати ва самарадорлигини ошириш;

— оммавий сафарбарлик билан ўтказила-диган маросимларни ва эпидемик жиҳатдан нохуш бўлган давлатларга сафарларни им-кон даражада камайитириш;

— эпидемик вазият барқарор бўлгунга қадар театр, кинотеатр ва видеозалларда ҳар бир свансдан кейин хонани яхшилаб шамол-латиш ва сеанслар оралигининг узайтирили-шини таъминлаш;

— аҳоли билан бевосита мулоқотда бўла-диган умумий овқатланиш, савдо хизмати кўрсатиш каби соҳа ходимларини эпидемик мавсум давомида дока ниқоб тақиб ишлаши, санитария-гигиена қондаларига тўлиқ риоя қилишини ташкил этиш тадбирлари дол-зарбдир.

Фақат тегишли ташкилот ва идоралар, кенг жамоатчиликнинг биргаликдаги ҳарака-лари туфайли ҳамда юқорида қайд этиб ўтил-ган тадбирлар тўлиқ ҳажмда бажарилиши орқали ушбу касалликнинг республикамиз ҳудудида кириб келиши ва тарқалиб кетиши-нинг олдини олишимиз мумкин.

**ШУҳРАТ АҚРОМОВ,
Тошкент шаҳар бош
Давлат санитария вақари.**

Муътаҳассис маслаҳатчи

**БИЗДА ҚАЙДА
ЭТИЛМАГАН, ЛЕКИН...**

Маълумки, грипп ва ўткир респиратор касалликлари айнан куз ва қиш ойларида авж олади. Республикаимизда бундай юқумли ка-салликлар бўйича эпидемик вазиятнинг барқарорлигини сақлаб туриш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

лар, дори-дармонлар, дезинфекцияловчи ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъ-минланган.

Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпиде-миология нazorати маркази вирусология лабораториясида грипп ва ўткир респиратор касалликларига лаборатория усулларини қўллаб тахшиш қўйиш учун етарли миқдорда диагностика ум, реактив ва озука муҳитлари захираси яратилган.

Шаҳар чегараларини қосиб ўтиш (аэро-порт, вокзал, божхона постлари) жойлари-да санитария нazorат пунктлари фаолият кўрсатмоқда, улар орқали шаҳар ҳудудида, эпидемик нохуш давлатлардан келаятган ҳар бир фуқаро тиббий кўриқдан ўтказил-моқда. Кўрик вақтида касаллик аломатла-ри аниқланган чет эл фуқаролари орқала-рига қайтариб юборилса, Ўзбекистон фу-қаролари махсус ажратилган изоляторга жўнатилади.

Санитария нazorат пунктлари ходимлари алоҳида хона, дори-дармон, тиббий восита-лар, хароратни ўлчовчи асбоблар, шахсий ҳимоя воситалари ва дезинфекцияловчи моддалар билан таъминланган.

Аэропорт, темир йўллар ва божхона хиз-матлари ходимлари махсус тайёргарликдан ўтказилган бўлиб, улар парранда гриппи бўй-ича тўлиқ маълумотга эга. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тақдим этил-ган парранда гриппининг клиникаси, тахши-соти, муҳофиз тадбирлари қўлланмаси етар-ли миқдорда қўпайтирилиб, барча тиббиёт му-ассасаларига юборилди ва ижроси нazorат остига олинди.

Тошкент шаҳридаги 1-юқумли касаллик-лар шифохонаси парранда гриппи касалли-гига гўмон қилинган бемор аниқланса уни

Шахмат оламида

**ШАРҚОНА ТАЪРИФ
ВА ТАВСИФ**

Шахматчилар ва журналистлар орасида энг яхши шахматчи деб ном қозонган машҳур гроссмейстер Савелий Тартаковер шахматчилар-ни ҳазиломуз уч гуруҳга бўлиб, уларга шундай шарқона таъриф беради:

«Шахматчилар борки, бўш ўйнайдилар-у, аммо буну ўзлари тан олмайдилар. Улардан қоч. Шах-матчилар борки, яхши ўйнайдилар-у, аммо буну ўзлари билмайди-лар. Камтар одамлар булар, улар-ни ҳурмат қил. Шахматчилар бор-ки, жуда яхши ўйнайдилар ва буну ўзлари ҳам биладилар. Булар шах-мат донишмандлари, улардан ўрган!» Балки бошқа соҳаларда ҳам шундайдир.


КАМТАРОНА ИСТАК

«Сиз учун нимани чалиб берай-лик, сэр», — сўради бир кун Бер-

нард Шоудан ресторандаги оркестрнинг дирижёри.

Шу пайт дўсти билан адабиёт ҳақида сўхбатлашиб ўтирган маш-ҳур ёзувчи камтарона истак билди-рди: «Менга қолса, — деди дирижёр-га у, — ҳозир бир қўл шахмат ўйна-ганларинг маъқул».

«СТРАТЕГИК» ҚУРОЛ



МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

- 1) Икки юришда мот.
- 2) Бунисида ҳам худди шундай: оқлар бошлаб икки юришда қора шохни мот қиладди.



**Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ**

Манзилими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
5576 нусхада босилди. Қўғоз бирини А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чикади.
Наир кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларини почта бўлимларига ёки «Тошкент почтamenti»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-нашри маъмурият компанияси босмохонаси.
Корхона мақоли: «Буюқ Туро» кўчаси, 41-уй.